



Ахборот-таҳлил
газетаси

НАМКОР press



www.hamkorpess.uz



t.me/hamkorpess_gazeta

Газета 2004 йилдан чиқа бошлаган

2021 йил 13 апрель. 7 (386)-сон

hamkor.press@mail.ru



Лазизбек Ғаниев

изланувчан ёшлардан. Ҳозирда “Намкорбанк” АТБнинг Чиноз филиали корпоратив хизматлар бўлими менежери вазифасида ишлаб келмоқда. Ҳаётдаги шиори — доим олдинга интилиш.

Жамоада масъулиятли ходим сифатида ҳурмат қозонган.

— Бу соҳага киришимда Ўктамхўжа бобомнинг ҳиссаси катта. Ўзлари ҳисобчи бўлгани сабаб доим ишингда аниқлик бўлади, ҳаётингни ҳам ҳисоб-китоб билан қурасан, дейди. Банк соҳасини танлаб адашмаган эканман. Режаларим катта, ҳали қиладиган ишларим ҳаммаси олдинда, — дейди Л. Ғаниев.

РАМАЗОН ОЙИ

МУБОРАК,
АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

8-БЕТ

САККИЗ ЁШЛИ ФИЛИАЛ

залворли лойиҳалар
устида иш олиб
бормоқда

5-БЕТ

“МАРДИКОР БОЗОРИ”ДА НОН ТОПАЁТГАН АЁЛЛАР

6-БЕТ

ҲЕЧ БИР ОЗУҚА
ОНА СУТИ ЎРНИНИ
БОСМАЙДИ 3-БЕТ

ЕР ЮЗИНИ КЕЗГАН КУЙ
ёки мардонавор 6-БЕТ
“Андижон полькаси”

Газета ва газетхон

Ҳозирда матбуот майдони шу қадар кенги, ўқувчи танлаб ўқимоқда. Кўпчиликнинг дилидагини айта билган, ўқувчининг қалбига йўл топа олган ОАВгина яшаши мумкин. Интернет ёки босма нашр бўладими, телевидение ёки радиомиди, асосий шарт — бугуннинг нафасини бера олиши керак.

6000 дан ортққ доимий обуначиларига эга бўлган “НАМКОР PRESS” ҳам бу йўлда дадил одимлаб бормоқда. Республикаимизнинг барча вилоятларига кириб бораётган нашримиз ҳақида ўқувчилар қандай фикрда? Қайси мавзулардаги материалла-

римиз уларга маъқул бўлмоқда? Аини шу саволларга жавоб топиш мақсадида “Газета ва газетхон” лойиҳаси доирасида ижодий жамоамиз жойларда бўлиб, муштарийлар билан учрашди.

> (4-бетда ўқинг).



"УНУТИЛМАЙДИГАН САЁХАТ БЎЛДИ"

— Банкимизда асосий омил — ходимлар ва уларнинг қимматли ҳаёти, соғлиги. Бежизга “яхши дам — меҳнатга ҳамдам” дейилмайди. Қачонки кайфият кўтаринки, тан сиҳат жойида бўлса, ишда унум ва самара сезилади, — деди биз билан суҳбатда “Hamkorbank” АТБ Бирлашган касаба уюшмалари қўмитаси раиси Шукрулло НЕЪМАТОВ.

“Hamkorbank”нинг ходимлари учун яратиб бераётган шароитлари ҳақида кўп гапириш шартмас. Кўпчилик тизимдаги сифатли ва унумли меҳнат муҳитидан яхши хабардор. Бу йил ҳам ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича йиллик иш режа, маънавий-маърифий ишларнинг янги тизимини яратиш бўйича “Йўл харитаси”, “Ватан ичра саёҳат” ҳамда ички туризмни ривожлантиришга хизмат қилувчи “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” каби бир қатор лойиҳаларнинг ижросини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Йил бошидан филиалларга республикамизнинг турли кўнгилочар ва



тарихий масканларига саёҳат уюштиришлари учун қулай шароитлар яратиб берилди. Илк саёҳатни Учтепа филиали жамоаси Тошкент вилояти-



да жойлашган “Амирсой” дам олиш масканида бўлиш билан бошлаб берган бўлса, шу кунгача 17 та филиал жамоаси бу имкониятдан фойдаланди. Йил охиригича қолган филиаллар ҳам навбатма-навбат ўзлари истаган масканга бориб ҳордиқ чиқариш, саёҳат завқидан татиб кўриш имконига эга бўлади.

Банк Бирлашган касаба уюшмалари қўмитаси томонидан кўнгилли саёҳатлар учун жами 106 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Яъни ҳар бир филиал учун ўртача 6,5 миллион сўм сарфланди. Саёҳат тадбирларида 787 нафар ходим иштирок этди.

Аҳмаджон Зайлобиддинов, Хўжабод филиали бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси раиси:

— Аввало, мана шу саёҳатимизни қўллаб-қувватлаган банкимиз касаба

уюшмасига раҳмат. Икки йилдан бери ходимларимиз Самарқандга бориш иштиёқида эди. Шукрки, орзуимиз амалга ошди. Икки кунлик саёҳат бизга жуда катта кайфият бағишлади. Маданий ҳордиқ чиқариш асносида

дентимизнинг Самарқанд шаҳридаги ҳовлисига зиёрат учун кирганимизда, у кишининг яқинлари бизга шахсан Ислон Каримовнинг дасхати туширилган китобни тухфа қилди. Моддий ва маънавий қиймати юқори бундай совғага эга бўлганимиздан фахрланиб кетдик.

Рустам Матёқубов, Хоразм минтақавий филиали бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси раиси:

— Биз хоразмликларга кўпроқ тоғли, табиати сўлим, манзарали ҳудудларга бориш ёқади. Шу боис март ойининг бошида Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги “Арчазор” дам олиш масканига боришни режа қилдик.

Борган кунимиз, худди бизни қувонтиришни истагандек, гупиллаб қор ёғиб берди. Тоза ҳаво, шинам меҳмонхона, бетакрор, виқорли табиат — барчаси кайфиятимизни кўтариб юборди. Тоғ ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олдик.

Айниқса, жамоамизда янги иш бошлаган ёшларнинг таассуротлари чексиз бўлди. Таниш-билишларига “Hamkorbank”да ишласа, мана шунақа саёҳатларга борилар экан”, деб мақтаниб чиқишибди. Банкимиздаги шароитларни эшитиб, бизга ҳатто Марказий банк ходимларининг ҳаваси келди. 30 кишилик саёҳат учун асосан касаба уюшмаси ва филиалимизнинг жамғарма маблағидан фойдаландик. Шахсий ҳамёнимиздан кўп пул сарфламадик.

Йил якунида катта куч билан ишлаб, анча ҳориган эдик. Бу саёҳат бизга қувват, кайфият берди. Кредитларимиз билан боғлиқ муаммоларимизни ечишга ҳам астойдил бел боғладик. Ҳозирда кўрсаткичларимиз қувонарли даражада.

Нигора МИРОЛИМ қизи

ЕТТИ ИҚЛИМДАН ДАРАКЛАР

Кейинги пайтда дунё саҳнасида рўй берган турфа воқеалар ижтимоий тармоқларда катта қизиқиш ва муҳокамаларга сабаб бўлди. Улардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

“Йўқолган олтин шаҳар”. Мисрлик археологларнинг Луксор (Мисрнинг жанубидаги шаҳар) яқинидан қум остига кўмилиб кетган уч минг йиллик шаҳарни топанликларидиққатга сазовор. Қайд этилишича, шаҳарга Мисрнинг энг буюк ҳукмдорларидан бири, эрамыздан аввалги 1391-1353 йилларда мамлакатни бошқарган 18-сулоланинг тўққизинчи ҳукмдори Аменхотеп III томонидан асос солинган. Унга “Йўқолган олтин шаҳар” номи берилди. Аменхотеп III нинг муҳрлари туширилган заргарлик буюмлари, рангли лойдан ишланган идишлар ва лойдан ясалган ғишлар каби кўплаб археологик топилмалар шаҳарнинг тарихийлигини тасдиқлади.

Аҳамиятли томони шундаки, чет эллик кўплаб тадқиқотчилар бу шаҳарни роса излашган ва топа олишмаган эди.

Бир жойда ва бир касбда 65 йил ишлаш мумкинми? Бунинг устига у аёл киши бўлса-чи? Дабдурустан “Йўқ, бўлиши мумкин эмас”, дейишга шошилманг. Негаки, япониялик 90 ёшли Ясуко Тамаки хоним ўтган аср ўрталаридан бери



“Sunco Industries” савдо компаниясида ҳозиргача меҳнат қилиб келяпти. Компьютер дастурлари билан яхши таниш бўлган аёл иш ҳақи ва мукофотлар, солиқ ҳисоботларини юритади.

Нафақага чиқишни ҳаёлига ҳам келтирмаётган садоқатли ходима дунёдаги энг кекса офис менежери деб топилди ва Гиннсинг рекордлар китобига киритилди.

Саёҳатга келгани учун мукофот. Ҳа, ажабланманг, Мальта ҳукумати ёз ойларида мамлакатга келиб, камида уч кун турган сайёҳларга 200 еврогача бонус тўлашни режалаштирмоқда.

Айтилишича, меҳмонхоналарга олдиндан жой банд қилган сайёҳлар “юлдузли”лигига қараб 100 дан 200 еврогача пул олишлари мумкин. Агар сайёҳ Мальтадан уч километр шимолда жойлашган Гоцо оролидан бирор объектни турар жой сифатида танласа, бонуслар яна 10 фоизга оширилади.

Туризм пешволари халқаро сайёҳликнинг

ДУНЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

аввалги ҳолатига тикланиши учун яна нималарни ўйлаб топишаркин?

Одатда маймунларни циркларда турли томошалар кўрсатишга ўргатишади. Аммо уларни ўғирликка ўргатиб, жиноий тўда тузганлар ҳам бор экан. Нью-Дехлида полиция ана шундай ғалати гуруҳни ҳибсга олганлиги хабарлар оқими орасида ажралиб турибди.

Таъкидланишича, жабрланувчи йўлда кетаётганда жониворлар унинг чўнтагидан олти минг рупиясини ўғирлаганини пайқаб қолган. Сўнг-ра маймунлар билан бирга эркаклар қочиб кетиш аётганини кўриб, ҳуқуқ-тартибот идораларига арз қилган.

Пировардида жиноятчи кимсалар суд залига, маймунлар эса ҳайвонларни қутқариш марказига юборилди.

40 млрд. туп дарахт саҳроларда бўй чўзади. Дунё харитасига назар ташланса, Саудия Арабистони асосан чўлу саҳродан иборатлигини кўриш мумкин. Яқин ўн йилликда мазкур мамлакат ва унинг атрофи яшилликка бурканиши кутиляпти.

Глобал иқлим ўзгаришларига қарши кураш доирасида мамлакатда кўкаламзорлаштириш учун 10 млрд. туп дарахт ўтказилади. Шунингдек, бошқа араб давлатлари етакчилари билан биргаликда “Яшил Яқин Шарқ” дастурини йўлга қўйиш доирасида минтақа бўйлаб 40 млрд. туп дарахт ўтқазилиши кўзда тутилмоқда.

Тошкентга кимсан, “машҳури жаҳон” Али Маҳмуд Ҳасан Кур-дистонийнинг шахсан ўзи ташриф буюриши хабарини эшитган айрим инсонларни кузата туриб, юрагимдан оғрикли ўйлар ўтди. Наҳотки одамзод шу даражага борса дедим. Афсуски, ботиний ва зоҳирий олами бир-биридан анча узоқ бўлган кимсалар бу хабарни эшитиб, ўзларини йўқотиб қўяр даражага борди. Қарангки, Мулла Маҳмуд Ҳасан деганларни Куръон оятларини шундай ўқиркан-у, сўқирларнинг кўзини очиб ташларкан, фалажларни юрғазиб юбораркан! Ана мўъжиза-ю, мана мўъжиза!

Табиийки, бу хабарга ишониб, нафсининг чиркин тўрига илинганлар ҳам кўп бўлди. Шу сабаб, бир зумда бу табиб-муллани тавоф қилишга ҳозир нозир, ўз мақсадига етиш йўлида қандайдир карантин қоидаларини ҳам назар-писанд қилмайдиган оломон унинг ҳузурига селдай оқиб келди. Лекин ўша ўринда бирор кимса “Ахир, биз ХХI асрда яшаяпмиз, ҳеч бўлмаса интернетни бир титкилаб, “соҳиби нафас”, “кароматгўй”



ноқис бир кимса эди. Унинг Мадинада фирибгарлик учун жавобгарликка тортилганидан ҳеч ким воқиф бўлмаса керак. Хўш, карантин пайтида бу табиб либосидаги фирибгарни ким олиб келди, ким тарғиб-ташвиқ қилди?

СОХТА ТАБИБ ТУЗОҒИГА ИЛИНМАНГ

табибнинг кимлиги билан қизиқиб кўрайлик” демади. Минг афсус ва надоматлар бўлсинки, бу ўша, 2017 йилда Дональд Трампни жин чалгани ва фақат угина АҚШ Президентини бу балодан қутқара олишини айтиб тилга тушган ва орқаворатдан “телба”, “жинни” лақабини олган ақли

Ички ишлар вазирлиги берган баёотда “Ушбу шахс Куръон оятларини ўқиган ҳолда тиббиётда даволаш имкони бўлмаган (фалаж, кўзи ожиз) касалликларни даволаганлигига оид маълумотлар тарқатиб, тармоқ фойдаланувчиларининг эътиборини

ўзига тортиб келаётгани” таъкидланган деган маълумотга кўзимиз тушади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими эса бу шахс Ўзбекистонда фаолият юритиш бўйича бирор шаклда мурожаат қилмагани, яъни унинг тиббий фаолияти ноқонуний эканлигини маълум қилди. “Шу ўринда, аҳолининг ишонч ва эътиқодидан фойдаланиб, сохта табиблик фаолияти билан шуғулланаётган айрим кимсаларнинг алдовига учраб қолишдан огоҳ этмоқчимиз. Ноодатий йўллар билан даволашни таклиф қилаётган айрим сохта табиблар таъсирига тушиб қолишдан эҳтиёт бўлинг”, дейди ССВ матбуот хизмати раҳбари Фурқат Санаев.

Бугун бундай фирибгарларга қарши кескин кураш олиб боришимиз зарур. Зеро ҳар бир юртдошимизнинг соғлиги — бебаҳо бойлик. Шундай экан, Мулла Маҳмуд каби сохта табиблар чангалига тушиб қолмаслик учун ҳар биримиз огоҳ бўлайлик!

**Мадаминжон МАДАЗИМОВ,
Андижон давлат тиббиёт
институту ректори.**

— Қизимни 3 ойгача эмиздим, — дея сўз бошлади Севара исмли аёл. — Инжиқланиб, эммай қўйди. Оғир аҳволда шифохонага ётдик. Шифокор сутимни текширтиришни айтди. Хавфсираганим бўлди — сут заҳарли. Хафа бўлдим, иложсиз боламни кўкракдан ажратдик. “Нупана” озуқаси беришни тавсия қилди. Аммо иккинчи куни болам қусиб, ичи ўта бошладди. Аҳволи янада оғирлашди, даволаш қийин кечди. Ўша кунларни эслагим келмайди. Сал тузалгач, “Малютка” бера бошладик, шукурки, ёқди. Икки ой шифохонада турли озуқалар синамаси билан курашдик. Кейин “Nutrilak” ва кучлиги дея “Nan”га ўтдик. Унгачалик чўнтагимиз қуриди. Фарзанд учун ҳар нарсага тайёр бўлар экансиз...

Қўшнимнинг ушбу сўзлари мақола ёзишимга сабаб бўлди.

Янги туғилган бола учун энг яхши озуқа она сутидир. Бу модда нафақат бетакрор таркибли овқат ва ичимлик, балки, ривожланиш демакдир. У гўдакнинг ҳаёти ва соғлиғини таъминлашга, дисбактериоз ва инфекциялардан ҳимоялашга, турли касалликлар ва модда алмашинуви бузилишининг олдини олишга қодир. Эмизиш чақалоқ ва она ўртасида боғлиқликни таъминлайди. Бироқ бугунги кунда кўпчилик болалар сунъий озиқлантирилмоқда. Айрим тиббиёт ходимларининг бепарволиги боис ҳам бола она сутидан мосуво бўлмоқда.

— Рўзғорга бозор қилаётсам, ўғлим кўнғироқ қилиб, туғилганига 3 кун бўлган набирам учун сунъий озуқа ола келишимни айтиб қолди. “Она-сининг сути ҳозирча етади”, десам “дўхтирлар келинингизга шундай дейишибди”, деган жавобни олдим. Суриштирсам, оддий ҳамшира айтган эмиш. “Ахир, келиннинг биринчи фарзанди бўлса, сут келгунча сабр қилиш керак-ку”, дея эътироз қилган танишим ҳақ.

Ҳар қандай инсон оқ халат кийган тиббиёт ходimini нажот фариштаси деб билади. Биринчи фарзанд кўрган аёлда сутнинг кечикиб келиши табиий. Эътибор, масъулият шунчалар пастлаб кетганми туғруқхоналарда, деган ўй келади шундай пайтда.

— Бола қачон сунъий овқатланишга ўтказилади?

— Агар чақалоқ муддатидан олдин туғилган бўлса (кўрак сўришга кучи етмаса), она сути альтернатив усулларда, яъни қошиқча, чашка, махсус бутилка, зонд ёки шприцда томчилаб (эҳтиёж ва ҳазм қилишига қараб) ичирилади. Ёки она сути таркибида болани яшашига тўсиқ бўлувчи микроб элементлари кузатилса. Ва онада сил касаллигининг очиқ шакли ёки ОИВ инфекцияси аниқланса. Бир тўхтамга келиш жуда қийин. Турли синамаларсиз бирдан сунъий овқатга ўтказилмайди. Бироқ жуда кўп ҳолларда жигаргўшасини қучиб, бағрига босган оналарга сут келган, боласини эмиза бошлаган, — дейди неанотолог Дилфуза Абдуллаева.

Демак, чақалоқларнинг маълум фоизи жуда кескин сабабларга кўра сунъий овқатлантиришга ўтказилар экан. Улар учун бу каби қоришмалар иложсизликдаги нажотдир. Шу мавзуда туғруқхона ва болалар клиник шифохонасидаги янги фарзанд кўрган

оналар фикри билан қизиқдик. Уларнинг айримлари эмизиш даврига хос “ножўя таъсирларни” бартараф этиш дея жавоб бердилар.

— Қоматим бузилишини хоҳламаганим учун. Боламга сут берсам, қорним очади ва парҳезни бузишимга тўғри келади. Ҳозирда болалар учун яхши-яхши озуқалар бор-ку, — дейди ёш келинчак Фарзона.

— Қизим соғлом туғилди. Тадбиркорлик

ҲЕЧ БИР ОЗУҚА ОНА СУТИ ЎРНИНИ БОСМАЙДИ

билан шуғулланаман. Ишлаб чиқариш корхонаси очганман. 2-3 соатлаб бирон иш билан кетишга тўғри келади. Шунинг учун кашадан фойдаланман, — дея изоҳлади яна бир она.

— Сунъий озиқланадиган болалар кўп касал бўлади. Гоҳ қорни дам бўлади, гоҳида тошмалар тошиб кетади, кўнгил айниши, ич кетиши кузатилади. Озуқа танлаб, бола организмга мосини топгунча шу каби ҳолатлар кузатилади, — дейди болалар шифокори Дилрабо Абдазова.

— Қизим биринчи рўзғоридан болали бўлмач, 6 йил деганда иккинчи марта оила курди, фарзандли бўлди. Набирам уч ойлигида оғриб қолди, текширтирсак, онаси ҳомиладор экан. Мажбур сунъий овқатлантиришга ўтдик. Ҳозир 1 ёшга тўлди. Дастлаб “Nan”, кейинчалик арзонроқ дея “Малютка” бердик. Ойига 500 мингга яқин пул кетади, ишонсангиз.

Мутахассисларнинг фикрича, ярим ёшга яқинлашганда ҳар бир бола учун шундай вақт келадик, фақат кўрак сути ёки сунъий озуқанинг ўзи етарли бўлмай қолади, қўшимча қувватга, витамин ва минерал моддаларга бўлган эҳтиёж ортади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига кўра,

Кун мавзуси

қўшимча овқат эмизикли болага 6 ойликда, сунъий овқатлантириладиган болага 4-5 ойликда берилади.

“Нега болалар озуқаси қиммат?”, дея берган саволимизга шифокор Моҳира Аҳмедова қуйидагича жавоб берди: “Сабаби, бу маҳсулотни тайёрлаш жуда мураккаб. Таркибига киритилган фойдали моддалар сировдан ўтказилиб, истеъмолга чиқарилгунча кўп вақт талаб этади. Ҳатто йиллар керак бўлади ва асосан чет элдан келтирилади”.



Болалар озуқаларининг бир нечта турлари мавжуд. Халқимиз қайсинисини танламоқда?

Ўтказилган сўровлар натижасига кўра, қуйидаги озуқа маҳсулотлари кўп харид қилиниши маълум бўлди: “Nan”, “Nestogen”, “Nutrilon”, “Малютка”, “Humana”, “Хипп”, “Similac”. Энг қулайи “Малютка” бўлиб, 6 ойликгача бўлган болаларга мўлжалланган, овқат ҳазм қилишни яхшилайдиган. Таркибида соғлом ўсиш ва ривожланиш учун омега-3 ва омега-6 ёғ кислоталари мавжуд. Боланинг ёшини ҳисобга олган ҳолда 16 та витамин ва 11 та минерални ўз ичига олади.

Телевидение орқали узатилаётган рекламалар чиройли, жалб қилувчи ва тортувчи. Унда болани кўрак билан эмизиш лавҳаси акс эттирилган. Шундан ҳам она сутининг муҳимлиги ва ҳеч қандай озуқа унинг ўрнини босмаслигини тушуниш қийин эмас. Майда ва кўринмас ҳарфлар билан экран пастки қисмида асосий маълумот берилган: ҳеч қандай қоришма она сути ўрнини босолмайди.

Болангизни бағрингизга босинг, қучиб-эркаланг, кўрак тутинг. Шундагина чинакам меҳрни, оналик бахтини туясиз.

Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА.

“HAMKOR PRESS” САМАРҚАНДДА

Дунё аҳлини доим ўзига чорловчи кўхна Самарқанд янада бўй кўрсатмоқда. Унинг тарихийлиги бир томон бўлса, бугунги чиройи бир томон. Самарқандликларни бугуннинг нафаси билан яшаб, қўлга киритаётган ютуқлари ҳақида қанча гапирсак оз.

“HAMKOR PRESS” муштарийлари орасида ҳам улар кўпчиликини ташкил этади. Шу сабаб биз “Газета ва газетхон” лойиҳаси доирасидаги учрашувларимизни айна шу жойдан бошладик.

ОИЛАВИЙ ГАЗЕТХОНЛАР

“Hamkorbank” АТБнинг Самарқанд филиали катта жамоа. Аксари-ят ходимлар тажрибали. Охириги икки йилда йигирма нафардан ортиқ ёшлар уларнинг сафига келиб қўшилди. “Устоз ва шогирд” мактаби ҳар бир янги ходимни тизимда ўз ўрнини топишига йўл очмоқда. Матбуот билан ҳамнафаслик билимларни ошириб бориш ва мижозлар

қандай қарашни ҳам ўрганамиз.

— Тўғри, ижтимоий тармоқлар орқали янгиликлардан хабардор бўламиз, — дейди корпоратив хизматлар бўлими менежери Фаррух Қўчқоров. — Аммо газетанинг ўрни бошқа, маънавий озуқа олами. Одоб-ахлоқ мавзусидаги мақолалар ўқувчини мушоҳада юритишга чорлайди. Унда берилган ҳикматли сўзларни такрор-такрор ўқиб бораман. Ҳақиқий тарбия асоси бу.

Сўхбат якунида ҳамкорлик учун миннатдорчилигимизни билди-



Ким қандай вазифада ишламасин, мижозларга хизмат кўрсатишга биринчи даражали вазифа сифатида қаралади. Тизимда амалга оширилаётган ислохотларни амалиётга татбиқ этиш, иқтисодий юксалиш ва банкнинг нуфузини ошириш ҳар бир ходимнинг доимий шиори. Яна бир-бирини қўллаб-қувватлаш шарт. Бу ўз-ўзидан уларни олдинга бошламоқда.

Ургутликлар ишлашни ҳам, дам олишни ҳам жойига қўядилар. Спорт уларнинг энг сеvimли машғулот. Айниқса, кунни эрталабда теннис столида бошлашлари соғлом бўлишларига хизмат қилмоқда.

Ходимларнинг китобсеварлиги мўъжазгина кутубхона мисолида кўзга ташланади. Муталаа завқини шу ерда тотишади. Кунлик газеталар билан танишув уларнинг маънавия-

газета билан дам олами.

Ургутлик тадбиркорлар орасида ҳам ўқувчиларимиз кўпчиликини ташкил қилади. Ёш тадбиркор Мажидхон Исломов улардан бири. Дунёни англашни, ютуқларини китоб билан боғлайди у. Шунданми, корхонада тез-тез китоб акцияларини ташкил этади.

— Китоб ва газета асосий тарбия воситаси. Ўқишдан тўхтаган одам фикрлашдан ҳам тўхтади, — дейди М.Исломов.

“БОҒИШАМОЛ”ДА

“Боғишамол” филиалидаги учрашув ўзига хос бўлди. Дастлаб газета саҳифаларида ёритилаётган мавзулар, “Hamkorbank”нинг 30 йиллиги олдида лойиҳаси ва бугунги матбуот хусусида сўз юритилди.



билан ишлашда ўз самарасини бермоқда.

Филиал ходимлари билан сўхбатимиз қизғин кечди. “HAMKOR PRESS” нинг доимий ўқувчиси сифатида газетамиз ҳақида илиқ фикрларини баён этдилар. Билдикки, айримларнинг “одамлар газета ўқимай қўйди”, деган гаплари ўринсиз.

— Обуна вақтида “Биз газета ўқимаймиз”, дейишгача борадиган инсонларнинг борлигидан кўз юмиб бўлмайди, — дейди филиалнинг Бек офис етакчи мутахассиси Асам Уми-



ров. — Бундай одамларга газетанинг ҳаётимизда тутган ўрнини тушунира билиш керак. Биз бу масалага ҳамма вақт эътибор қаратамиз. Биринчи навбатда ўзимиз ўқиймиз. Ўзимга келсак, оилавий газетхонмиз. Бу билан янгиликлардан хабардор бўлиш баробарида эртанги кунга

риб, эсдалик совғаларини топширдик. Филиал кутубхонасига китоблар тақдим этилди.

УРГУТЛИК КИТОБСЕВАРЛАР

Ургут филиали жамоасининг ўзига хос томони аҳилигида.

Лойиҳанинг навбатдаги бекати сизнинг филиалингиз бўлишини истасангиз, биз билан боғланинг.

тини юксалтирмоқда.

Сўхбат асносида жамоанинг “HAMKOR PRESS” ҳақидаги фикрларини тингладик.

— Газета биз учун тажриба мактабини ҳам ўтайди, — дейди филиал бошқарувчиси Дилшодбек Раҳматов. — Ҳамкасбларимиз фаолияти ҳақидаги материалларни биринчи навбатда ўқиймиз. Маъқул бўлган томонларини ўзимизда қўллаймиз. Ишдан чарчаган кезларимизда ҳам

Аксарият ходимлар банк ҳаётига оид материаллардан ташқари, бошқа мавзудаги мақолаларни ҳам мунтазам ўқиб борар экан. Айниқса, дунё ҳаётини намоён қилаётган “Етти иқлимдан дараклар” лойиҳасини қўллаб-қувватладилар. Улар орасида ижодкорлар ҳам борлиги бизни қувонтирди.

Тадбир доирасида “Энг зийрак ўқувчи” танлови ўтказилди. Ғолиблар “Hamkor press” МЧЖ томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ижодий учрашув банкнинг энг йирик мижозларидан бири — Самарқанд шаҳридаги “Sam Rafoat Tekstil” МЧЖ да давом этди.

P.S “Hamkor press” газетаси ижодкорларининг газетхонлар билан учрашувлари давом этади. Биринчи саволимиз: “Сиз газета ўқийсизми?” Агар “ҳа” дея жавоб берсангиз, биз сиз билан биргामиз.

**Акбаржон НАЗАРОВ,
Бекзод МУТАЛЛИБОВ.
Андижон-Самарқанд-Андижон.**

“Hamkorbank” АТБ Чилонзор филиали 2013 йилда фаолиятини бошлаган кезде жамоа олдига катта вазифалар қўйилганди. Аҳолига, корпоратив мижозларга, кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларга кенг қўламли хизмат кўрсатиш асосий эътибор марказида бўлди. Дастлаб иш бошлаган 19 нафар ходимнинг саъй-ҳаракатлари билан қисқа вақтда мижозларга нуфузи тобора ошиб бораётган банкнинг замонавий хизматларидан самарали фойдаланиш имкониятлари яратилди. Бу банк тизимидаги филиалларнинг йигирма саккизинчиси саналган муассасани ривожланишига туртки бўлди.

Ўтган йиллар мобайнида у пойтахтимизнинг катта иқтисодий салоҳиятга эга туманида ўз ўрни ва мижозлар базасига эга бўлган филиалга айланди. Ҳозирги кунда бу ерда 51 нафар ходим банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Жамоа асосан ёш кадрлардан ташкил топган бўлишига қарамай, кўрсатиладиган молиявий хизматлар сифат жиҳатидан юқорилиги мижозлар томонидан эътироф этиб келинмоқда.

2020 йил — дунё ҳамжамиятини оғир аҳволга солган пандемия даври бўлишига қарамай, жамоа олдига қўйган мақсадларидан чекинмагани эътиборни тортади. Ўзига хос синов ва матонат йилида янги мижозларни жалб қилиш, бизнес режа кўрсаткичларини бажариш, филиал учун устувор вазифалардан саналган фойда кўрсаткичини яхшилаш бораси-

да бир қатор тизимли ишлар амалга оширилди. Буларнинг натижаси ўлароқ “Grand Power Trade” МЧЖ, “Volto Group” МЧЖ, “Leader Plast Production” МЧЖ, “Asad-Ezoz-Mumtoz” МЧЖ, “Poytaxt LTD” МЧЖ каби йирик мижозлар жалб қилинди. “Ark Eko Tekstil” МЧЖ ХК, “Toshkent mexanika

САККИЗ ЁШЛИ ФИЛИАЛ залворли лойиҳалар устида иш олиб бормоқда

zavodi” АЖ, “Orange Textile Profi” МЧЖ каби мижозларга кўплаб миллиардлик кредит маблағлари ажратилди. Натижада уларнинг бизнес фаолиятлари кенгайтирилди ва янги иш ўринлари яратилди.

Сўнгги йилларда юртимизда олиб борилган қатор ислохотлар нафақат давлат

корхоналарига, балки, банк, кўрсатилаётган банк хизматлари, мижозларнинг банк хизматларидан қониқиш даражасига ҳам таъсир қилиши шубҳасиз, албатта. Бу борада Нурилла Абдуллаев бошчилигидаги жамоанинг шашти баланд. Улар “Hamkorbank” АТБ ходимлари қаторида, янги Ўзбекистонни раванқ топтириш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни чуқур ҳис қилган ҳолда, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолига қулай банк хизматлари сифатини янада ошириш, мижозларнинг банкка бўлган ишончини орттириш борасида салмоқли ишларни амалга оширяпти.

Жорий йилда филиал жамоаси катта лойиҳаларни рўёбга чиқариш устида иш олиб бормоқда. “Energomax”,

“Simba”, “Baraka Dekor” каби ўнлаб корхоналар, йирик мижозлар билан манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилиши кутиляпти.

“Маҳаллабай” ишлаш тизими тартиб-тамойилига мувофиқ Чилонзор туманидаги Катта Козиробод, Хонтўра ва Баҳористон маҳаллаларига бириктирилган.

— Мазкур ҳудудларда, — дейди филиал раҳбари Н. Абдуллаев, — мавжуд тадбиркорларнинг муаммоларини ечишга ҳамда иқтисодий ўсишнинг драйвер соҳаларида янги тадбиркорлик лойиҳаларини амалга оширишга ҳамда фуқароларга бизнес лойиҳаларни тайёрлашда консультатив кўмак бериш ва уни амалга ошириш жараёнларини доимий мониторинг қилиб

бориш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилаётган кредитлар самардорлигини ошириш каби масалалар бўйича зарур чоралар кўришга алоҳида аҳамият қаратилади. Бу борада жамоамиз билан ҳамжиҳат ва самарали иш ташкил этимиз, деган умиддаман.

Филиалда ўз касбига меҳр қўйиб, нафақат ҳамкасблари, балки, мижозлар ҳурматини ҳам қозонаётган малакали ходимлар кўплаб топилади. Анвар Искандаров, Фарҳод Худоёров, Жасур Маҳмудов, Санжар Одилов, Дилмурод Шокиров кабиларни шулар жумласига киритиш мумкин. Назарий ва амалий билим, малакаларини уйғунлаштириб иш юритаётган шундай фаоллар бор экан, чилонзорлик “ҳамкорбанк”чиларнинг эзгу ниятлари ҳамиша рўёбга чиқаверади.

Ҳалимжон ТОҲИРОВ.



Қарши филиали Косон мини банки универсал менежери Абдор Муроодов ҳақида ёзиш таклифини унинг жамоадошлари берди. Филиал ходимларининг фикрига қараганда, Абдор яхши инсон ва яхши ходим. Очиқкўнгил, камтар, меҳрибон, босиқ, ғийбатга яқин йўламайдиган камгап йигит. Раҳбариятдан танбех, мижозлардан эътироз эшитмаган кам сонли ходимлардан. Бу таърифлар диққатимизни тортди. Ахир ишда дакки эшитмаслик — катта ютуқ. Одам феълидаги энг ёмон қусур бўлган ғийбатдан узоқ юриш эса жасорат. Шу сабаб у билан интервью уюштирдик.

ДАККИ ЭШИТМАЙДИГАН ХОДИМ

— “Hamkorbank”ка сизни нима етаклаб келди?

— Шу банкка бўлган қизиқиш ва эътибор. 2019 йил бошида суҳбатдан ўтиб, ишга келдим.

— Қайси даргоҳда банк мутахассиси бўлиб етишдингиз?

— Тошкент молия институтда.

— Банк ишини таҳсил жараёнида неча фоиз ўргандингиз-у, иш жараёнида қанча ўзлаштирдингиз?

— Тахминан 30 фоизини назарияда, 70 фоизини амалиётда.

— Жамоангизга таъриф?

— Аҳил, иноқ, бир-бирини қўллаб-қувватловчи.

— “Hamkorbank”нинг сизга манзур жиҳати?

— “Кри” дастурида ишлаши. Бошқа банкларда ишлаган ҳам ишламаган ҳам бир хил ҳақ олади.

“Hamkorbank”да эса “Кри” дастур асосида ҳар бир ходимнинг меҳнати аниқ баҳоланади.

— Мижозга ёқадиган сўз?

— “Ишингиз ҳал бўлади”, “Муаммо туғилмайди”, деган сўзлар-да (кулади).

— Муваффақият калити?

— Тинимсиз изланиш ва ҳеч қачон тўхтаб қолмасликда.

— Иш пайтида жаҳлингизни чиқардиган ҳолат?

— Ўз хатосини билиб туриб, тан олмайдиган мижозларнинг муносабати.

— Кеч қолаётганда кайфиятингиз?

— Хотиржам бўлишга уринаман.

— Дунёга машҳур қайси шахсга ўхшашни хоҳлардингиз?

— Айнан битта шахс тимсолидаги идеалим йўқ. Муҳими — инсон бўли-

Блиц-интервью

шимиз ва ўз йўлимизни топишимиз.

— Хоббингиз?

— Футбол. “Реал Мадрид” футболчиси Лука Модричнинг ўйинларига қизиқишим баланд.

— Ишингизнинг қийин жиҳати?

— Мижоз ҳаддан ташқари кўпайиб кетганда, вақтни тақсимлаш.

— Қайси таомни кўрганда иштаҳангиз очилиб кетади?

— Аям пиширган ҳар қандай турдаги мантини.

— Раҳбарлардан дакки эшитмайдиган кам сонли ходимлардан экансиз, бунинг сири?

— Ишимга жуда масъулиятли эканлигим ва вазифаларимни вақтида бажаришимда.

— Жамоадошларингиздан бири сизни жуда мақтади. У ким бўлиши мумкин?

— Хумоюн ака. У жамоадошларининг ютуғини бошқалар ҳам билишини жуда хоҳлайдиган инсонлардан.

— Феъл-атворингиз кимга кўпроқ ўхшайди?



— Аямга. Педагог бўлгани учундир, балки.

— Ғийбатдан тийилиш учун кучни қаердан оласиз?

— Оиладаги тарбиямдан. Менга бировнинг ҳаёти қизиқмас. Ғийбатга вақт ҳам, хоҳиш ҳам йўқ.

— Мижоз сизни тушунмаса, қандай йўл тутасиз?

— “Тушунмаяпсиз” дейишнинг ўрнига “Тушунтириб беролмадим” деб, вазиятни юмшатиб, яна қайтадан тушунтиришга ҳаракат қиламан.

Нигора ТҲАМАТОВА
суҳбатлашди.

Пойтахтдаги "Мардикор бозорлари"да аёлларни ҳам кўришимиз, оғир шароитларда меҳнат қилаётганига гувоҳ бўлишимиз, афсусли, кундан кун одатий ҳолга айланиб бормоқда. Ҳаётда қийналган, иш сўраб кўп эшикларга бош урган, натижа чиқмагач, мардикорлик қилаётганларнинг аксарияти касб-ҳунари йўқ, маълумотсиз, муқим турар-жойга эга бўлмаган одамлар.

— Уч йилдан буён мардикорликка чиқаман, — дейди ўзини Самарқанддан келганини айтиб Нодира исмли аёл. — Уч фарзандим бор. Турмуш ўртоғим вафот этгач, қийналиб қолдим. Шу ишни қилишга мажбур бўлдим. Ўқимаганман. Бирон ишга кирай десам, менга муносиб ишларнинг маоши кам. Баъзи кунлари 50-100 минг, баъзан эса 20 минг топаман. Уч кунлаб иш бўлмайдиган пайтлар ҳам бўлади. Ижарага пул тўлаш керак, хуллас, муаммолар кўп. Агар биз, хотин-қизлар учун иш ўринлари яратилса, берган маошлари яшашимизга етиб турса, бундай сарсону саргардон бўлмасмидик?!

Аслида, ишсизлик ва иложсизлик уларни шу жойларга келишга ундаган дейишимиз мумкин. Бироқ қора меҳнат қилишга мажбур бўлаётган аёллар ҳақида ёзмасам бўлмайди. Зеро, ўзбек аёлининг мардикор бўлиши жамиятимиз учун оғриқли масала. Ахир ишга ёлламоқчи бўлиб тўхтаган машина томон йигирма нафарлаб хотин-қизнинг ёпирилиши, талашиб-тортишиш манзарасини кўрган ҳар қандай киши бефарқ бўлмас. Кимнингдир онаси, кимнингдир қизи, кимнингдир аёли яшаш учун курашмоқда. Оиласини, болаларини боқиш йўлида ўта оғир шароитларда ишлаётганларнинг эллик ёшдан ошганлари ҳам бор. Бу ҳол бандликка кўмаклашувчи ташкилотларни ўйлантириши керак эмасми? Дастлаб улар ҳам ушбу ташкилотларга иш сўраб мурожаат қилгандир. Маоши қониқтирмай, рўзғорига етмаган бўлса, ноилоҳликдан шу жойлардан "ризқи"ни териб юргандир. Қаттиқ совуқда юпқа кийимда қалтираб, оғир меҳнат қилаётган, болаларини боқиш учун ўзларининг соғлиги ҳақида ўйламай юрган қанчадан-қанча оналар бор. Ижара уйда 30 киши яшаб, мардикорликка чиқишлари янада ачинарли. Кунлик иш топишнинг ўзи мушкул. Нима қилсин "енгил" ҳаёт тарзига ўтиб кетсинми? Шунақалар ҳам топилади, афсусли...

Мардикорлик қилаётган аёлларга йўл кўрсатадиганлар борми? Улар кимга суянади? Бандликни таъминлаш учун давлат бюджетидан миллиардлаб ажратилаётган пуллар қаёққа кетяпти? Мақсадли йўналтирилган бўлса, нега натижаси кўринмаяпти? Куннинг совуқлигига қарамай, муздек сувда машина юваётганларни ҳатто телевизорда

илова ишга тушган. Иш берувчи ва иш изловчилар ўртасида воситачи бўлиб хизмат қилади. Баъзи меҳнат қуролларини ҳам марказдан олиш мумкин. Арзонлаштирилган овқатланиш шохобчаси эса барча-



кўрсатишяпти-ку?

Республика миқёсида ишсиз хотин-қизларнинг сони ошиб борапти. Бундан келиб чиқадик, бандликка кўмаклашувчи ташкилотлар фаолияти қониқарли эмас. Тизимни ривожлантириш бўйича аниқ режалар йўлга қўйилмаган. Агар бундай бўлмаганда, аёллар ўртасидаги ишсизлик даражаси бунчалик юқорилаб кетмасди. 14 ёшли қизларнинг таълим олмасдан, муҳтожлик туфайли "мардикор"ликка чиқиб кетаётгани даҳшат.

Кунлик меҳнат марказлари очилганлиги, ундаги шароитлар хусусидаги хабарларни эшитган бўлсангиз керак. Аслида буни "мардикорлар маркази" десак ҳам бўлади. Аммо бу марказлар фаолияти қониқарлими?

— Бугунги кунда Тошкентнинг етти туманида кунлик меҳнат маркази фаолият олиб бормоқда, — дейди Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг бошқарма бошлиғи Темура Маҳмудов. — Ушбу марказлар орқали меҳнат органлари такомиллашган ҳолда фуқароларга хизмат қилиниши таъминланади. Кунлик меҳнат марказлари қишда иссиқ, ёзда салқин, барча шароитларга эга. Мобиль

сида ташкиллаштирилган.

Савол туғилади: нега марказлар шунча шарт-шароитлар билан очилган бўлсада, ёлланма ишчилар ҳамон кўчада изғиб иш изламоқда? Сабаби оддий: иш берувчилар марказга мурожаат қилишдан кўра, ўзaro келишишни маъқул кўришади. Кун билан марказда ўтириб, хизмат бўлмагач, пулсиз, нонсиз уйига қайтиши фожиа. Шу боис кўчада талашиб-тортишиб бўлсада, пул топишни маъқул кўришади. Боласига егулик олиб бориши зарур. Марказлар фаолиятини янада чуқурроқ ўйлаб кўриш керак. Чиройли жиҳозлаб қўйган билан иш битмайди. Кунлик иш ва тўғри ечим ҳақида бош қотирилса, яхши бўларди.

"Мардикор бозори" — меҳнат бозори. Эҳтиёж ҳамиша бор. У ерни тартибга солиш керак, токи аёллар кўчада иш изламасин. Айрим аблаҳлар уларни мардикорлик учун ёллаб, кейин бошқа ишларга мажбурламасин. Пулини ололмаса, арз қилиш учун асоси бўлсин. Аёллар меҳнатини муҳофазалаш бурчимиз. Бу хусусида мутасаддилар ўйлаб кўришса яхши бўларди.

Нилуфар ЮНУСОВА,
Тошкент.

Шимолий Корея Токиода бўлиб ўтадиган Ёзги Олимпия ўйинларида қатнашмайди. Бу ҳақда "Интерфакс" хабар берди.

СПОРТ ОЛАМИДА

Пхеньянда бўлиб ўтган Шимолий Корея Олимпия кўмитаси Бош Ассамблеяси йиғилишида қабул қилинган қарорга мувофиқ, Шимолий Корея Токиода бўлиб ўтадиган ёзги Олимпия ўйинларида қатнашмайди. Олимпиадада қатнашишдан бош тортиш орқали спортчиларнинг коронавирус пандемия-



сидан ҳимоя қилиш кўзда тутилган.

"Корея Халқ Демократик Республикаси коронавирус билан боғлиқ соғлиқни сақлашдаги глобал инқироздан спортчиларимизни ҳимоя қилиш учун 32-Олимпиадада қатнашмасликка қарор қилди", дейилган хабарда.

Маълумот ўрнида: Токиодаги Олимпия ва Паралимпия ўйинлари 2020 йилнинг ёзида бўлиб ўтиши керак эди, аммо пандемия сабабли 2021 йилга қолдирилган. Энди Олимпиада жорий йил 23 июлдан 8 августгача, Паралимпиада 24 августдан 5 сентябргача бўлиб ўтади.

БИЗ ЯШАЁТГАН ДУНЁ...

Ҳар кун тирбанд автобусда ишга қатнайман. Манзилига етгунча кимдир жим, кимдир ҳамроҳи билан суҳбатлашади, яна кимнингдир қўлида телефон, қулоғида қулоқчин... Бир норғул йигит қайдадир ишлайди, чамаси, йўналишнинг бошидан чиқиб, 1- ёки 2-ўриндиқни "ўзиники" қилиб олади. Кекса одам чиқадиими ёки болали, фарқи йўқ. Ўтираверади, хижолат бўлиб кўзини олиб қочмайди — ҳар бир чиқиб-тушаётган йўловчини кузатади. Катталарга жой бермаслик оддий ҳолдек у учун...

... Суд мажлисида эр-хотиннинг иши кўрилмоқда. 11 йилдан буён Россиянинг турли шаҳарларида ишлайдиган эр 2-3 йил, ҳатто 5 йиллаб уйига келмаган. 2 нафар боласини кўз қорачиғидай авайлаб-асраб келаётган аёли қайнона-қайнота хизматидан ортиб, боласи билан қайтиб келган қайинсингилнинг "ақлли" маслаҳату дашномларига ҳам рўбарў бўлади. Сабри тўлганда тез-тез аразлаб, ота уйига кетиб ҳам туради.

Келиннинг қиш кетиб, баҳор қайтишига ота-онасию, маҳалла аҳли кўникиб кетган. Ўғли кичкина, ҳали ҳеч нарсани тушунмайди, аммо мактабда ўқийдиган қизи эсини таниб қолган. Бувию-бувалари, аммаларининг онасига муносабатидан сиқилади. Яқинда психолог кўригида боласининг тез-тез оғришига сабаб сиқилиш эканлигини билган она охириги хулосага келди: катталарга тиши ўтмайди, эрини четга чиқармасликнинг ягона чораси — алимент. Алиментга берса, қонунан чеклов қўйилишини эшитган аёл болаларининг ота меҳрига тўйиб улғайишини истади. Қайнона-қайнотасининг барча ситама дашномларига чидашга аҳд қилди. Аммо икки қайинсингилнинг ўғилларига тўй қилиш, кўнгли ўксик (қайтиб келгани) қайинсингилга машина олиш кераклиги, бунинг учун эса турмуш ўртоғи яна анча ишлаши зарурлиги ҳақидаги гапини эшитгач, аёлнинг сабр косаси тўлиб-тошди. Қайнотасига қандай қилиб: "Қизларингизнинг эрлари бор, сизларнинг орзу-ҳавасингизни деб, болаларим меҳрга зор ўсишяпти", деганини билмай қолди. Ана шу гапидан сўнг у уйдан ҳайдалди...

...Абдуллажон тоғанинг ёши 70 га яқинлашиб қолган. Бир неча йилдирки, йиққанларини тўплаб, ҳаж зиёратига бориш мақсади билан яшайди. Кўча бошидаги Ҳанифа опа эса узоқ йиллар бетоб эрининг парвариши билан банд бўлган. Эри оламдан ўтди. Опанинг тўрт ўғли бор. Йигитлар вояга етиб, уй-жойнинг кам-кўстини тўғрилагунча ёшлари ўттизга қоралаб қолди.

Абдуллажон тоғанинг тонг саҳардан дарвозадан чақириб, кириб келиши Ҳанифа опани таажублантирди. "Хотиржам гаплашиб олайлик, ўғилларингизни чақиринг", деди мезбонларга. Дастурхон атрофига йиғилишди. Хотиржам сўз бошлаган Абдуллажон тоға Ҳаж зиёрати учун жамғарганларини аёлнинг қўлига тутди-ю, ҳеч сўз демай уйдан чиқиб кетди.

Ҳанифа опа бир йўла икки келин туширди, енгиллади. Ҳозир болаларининг топиш-тутишлари ҳам дурустгина. Абдуллажон тоғанинг эҳсони бу хонадонга қутбарака олиб кирди. Маҳалла аҳли ҳозирда уни "Ҳожи ота" деб атайд...

Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА.

Буюк бобокалонимиз, давлат арбоби, улуғ саркарда Амир Темур (1336-1405) ўзининг ўткир ақл-заковати, ноёб етакчилик қобилияти, ҳарбий маҳорати билан жаҳон тарихида салмоқли ўрин тутади. Соҳибқироннинг ҳаёт йўли, давлат бошқаруви, машаққатлару жангу жадалларга тўла фаолияти давомида эришган муваффақияти бир қатор тарихий асарларда, жумладан, унинг "Темур тузуқлари" китобида ҳам яққол аксини топган.

ХУКМДОРЛАРГА САБОҚ БЕРГАН "ТУЗУҚЛАР"

Мазкур ноёб, тарихий асар, мана олти асрдирки, дунё жамоатчилигининг диққат-эътиборида. Хилма-хил қўлёзма нусхалари ва таржималари дунёнинг турли масканларида, бир қатор нуфузли кутубхона, музейлар ва шахсий тўпламларда сақланаётгани асарнинг бебаҳо эканлигидан далолат беради.

Ушбу китоб асрлар давомида бир қатор ҳукмдорлар учун дастуриламал вазифасини ўтади. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома", Абулғози Баҳодурхоннинг "Шажарайи турк" асарларини ёзишларига ҳам айнан "Тузуқлар" туртки берган бўлса ажабмас.

Ўтган давр мобайнида "Темур тузуқлари" Соҳибқирон томонидан ёзилмагани, вафотидан бир мунча вақт ўтиб яратилгани хусусида ноҳолис тахминлар ҳам илгари сурилди. Бироқ асарнинг тили ва услуби, панд-насиҳатларига синчиклаб қаралса, унинг буюк бобокалонимиз сийратига мослиги, чуқур идрок, ўткир зеҳн ва донишмандлик билан ёзилганини кўриш мумкин. Китобдаги воқеаларнинг Амир Темур ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи бир қатор ишончли манбалар (Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома"си, Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома"си, Ибн Арабшоҳнинг "Ажойиб ат-тақдур фи ахбори Таймур" асари ва ҳоказо) даги маълумотларга мутаносиблиги ва бошқа бир қатор тарихий фактлар унинг бевосита Соҳибқирон томонидан ёзилганидан далолат беради. Тарихий маълумотларга кўра, даставвал у Амир Темурнинг она тили – эски ўзбек тилида ёзилган. Афсуски, асарнинг туркий тилда битилган илк қўлёзмаси ҳанузгача топилгани йўқ.

Бугун бизгача етиб келган хилма-хил қўлёзмалар ҳажми, таркиби, услуби нуқтаи назаридан бир-биридан фарқланади. Энг қадимгиси XVIII асрга мансуб бўлиб, у бобурийлар ҳукмронлиги даврида, Ҳиндистонда кўчирилган. Айтилишича, Аграда бобурийлар саройида хизмат қилган шоир ва таржимон Абу Толиб ал-Ҳусайний ал-Оризий ат-Турбатий Маккаи Мукаррамада ҳаж амалларини бажариб, ортага қайтаётганида, Яман ҳукмдори Жаъфар пошшонинг кутубхонасида туркий тилда битилган бир ноёб қўлёзмага дуч келади. Таржимоннинг ёзишича, бу асарда Соҳибқирон Амир Темурнинг етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган даврида бошидан кечирган саргузаштлари, давлат бошқаруви усуллари, вазир ва амирлари, фарзандларига ҳукмронлик борасида берган маслаҳатлари ва йўл-йўриқлари ўрин олган эди.



Унинг бебаҳо кадр-қимматини англаб етган Абу Толиб бу ноёб қўлёзмани ўзи билан олиб келган ва форсий тилга таржима қилиб, Бобурийзода ҳукмдор Шоҳ Жаҳонга (1628-1659) тухфа этган. Машҳур тузуқларнинг шу пайтгача етиб келган барча қўлёзма ва тошбосма нусхалари учун айнан ушбу таржима асос бўлиб хизмат қилиб келди.

Нодир асарга Марказий Осиёда ҳукм сурган хонликлар даврида ҳам жуда катта қизиқиш билдирилганди. Шу боис, китобнинг форсча қўлёзмаси бир неча бор кўчирилади. Аввал-аслида ўзбек тилида битилган бу асарни, тақдир тақозоси билан яна шу тилга таржима қилишга эҳтиёж пайдо бўлади. Сўнгги икки аср давомида "Темур тузуқлари" бир неча бор тилимизга ўгирилди. Чунончи, 1836 йилда Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1822-1841) нинг буйруғига кўра, мазкур асар қисман таржима қилинди. 1856-1857 йилларда Хива хонлигида мазкур асарни Муҳаммад Юсуф Рожий қисқартирилган ҳолда ўзбекчаштирди. Орадан бир йил ўтиб, Хивада яна бир таржимон Паҳлавон Ниёз Девон — Комил Хоразмий унинг асосида, Муҳаммад Ризо Огаҳий тавсиясига кўра, янги асар яратди. Мазкур асарларнинг қўлёзмалари бугунги кунда Россия Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари институтида сақланмоқда.

Мустақиллик йилларида диёримизда "Темур тузуқлари" бир неча бор нашрдан чиқарилди. Асарнинг турли факсимиле нусхалари ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола этилди.

Ҳ. РАШИДОВ.

ИХТИРОЛАР

Яқинда Россия Фанлар академиясининг назарий ва экспериментал биофизика институти олимлари яра-лар ва жароҳатларни боғлаш учун ноёб тўқима яратдилар.



ЯРАЛАРНИ ДАВОЛОВЧИ СУНЬИЙ ТЕРИ

Сунъий тери деб аталувчи қурилма жароҳатли терини шикастланиш ва зарарли инфекциялардан ҳимоя қилади, шунингдек, хужайралар ўсиши учун мақбул шароит яратади, ҳаво ва сув буғлари ўтишини таъминлайди. Қурилма нафис плёнка кўринишида бўлиб, у яра устига боғланганда тўқималар билан аралашади. Натижада, терини даволовчи коллеген ҳосил бўлади. Ихтиронинг кўшимча вазифаси ярани ташқи таъсирлардан ҳимоя қилишдир.

ҚАРИШНИ ТЎХТАТИШ МУМКИН

Олимлар узоқ вақтдан буён инсоннинг қариш жараёнини тўхтатадиган ёки ҳеч бўлмаганда кечиктирадиган дори яратиш учун курашмоқда.

Мутахассисларнинг аниқлашича, инсон ҳаёти давомида асаб хужайраларига салбий таъсир кўрсатадиган ва эрта қаришга олиб келадиган моддаларни тўплайди. Ушбу моддалар турли яллиғланишларни, асабийликни ва жиддий касалликларни келтириб чиқаради. 40 ёшга қадар иммунитет тизими зарарли моддаларни йўқ қилиш вазифасини уddалайди, аммо кейинчалик заифлашади. Узоқ изланишлар натижасида олимлар эскирган хужайраларни ҳисоблаб, уларни танадан ўз вақтида чиқариб юборадиган "Синолитик" перепаратларни ихтиро қилди. Мазкур дори устидаги клиник синовлар ушбу йилдан бошланиши мумкин.

НИГОРА тайёрлади.

Санъат миллат, масофа танламайди. Аммо ҳеч қайси куй бизнинг "Андижон полькаси"чалик дунёни забт этган эмас. Бу куй янграганда ҳамманинг юзига табассум ёйилади. Африкадан келган ҳабаш ҳам, франциялик сайёҳ ҳам жон-жон деб рақсга тушиб кетади. Кишини ўзига тортиб, сеҳрлаб олади бу оҳанг.


... 1980 йиллар эди. Кишлоғимизга Афғонистондан меҳмонлар келишди. Уларни турли халқларнинг шеър ва қўшиқларини айтиб кутиб олди. Бироқ улар ҳеч нарсга тушунмасди. Шу пайт "Андижон полькаси" янгради. Ҳалитдан бери очилолмай ўтирган хорижликлар биз билан бирга рақсга туша кетди.

Аслида бу куйни яратиш тарихи ҳам қизиқ бўлган экан. 1920 йилларда андижонлик санъаткор Орифжон Тошматов Қирғизистонда бир анжуманда қатнашибди. У ерда турли миллат вакиллари ўзларининг шўх куйларига ўйнабди. Ориф гармон (гармонни яхши чалгани учун унга шундай ном қўйишган) бир четда кузатиб ўтирган экан. Навбат андижонликларга келибди. Ориф гармон шу ернинг ўзида янги куй яратибди. Даврада ҳаммани мафтун этиб қўйган бу куйнинг номини сўраш-

ЕР ЮЗИНИ КЕЗГАН КУЙ ёки мардонавор "Андижон полькаси"

са, дабдурустан "Андижон полькаси"да дебди. Шундан кейин Ориф гармон яратган куй машҳур бўлиб кетган. Ҳатто уруш йилларида озгина ҳордиқ чиқариш учун тўпланган жангчиларга шу куй қўйиб эшиттирилар, улар беихтиёр рақсга тушиб, қийин ҳолатларни унутаркан.

Ҳозиргача ҳам давралар қизимай, томошабинлар эътиборини тортмай қолган пайтлар, "Андижон полькаси"ни чалиб беринг, дейишади. Унинг шўх ритмлари юракка бориб тегадиган тантанавор, оҳангларига рақс тушмаган киши топилмаса керак.



мат қилди. Япония, Испания, Италия, Болгария сингари мамлакатларда ушбу куй янграса, томошабинлар ҳам қандай рақсга қўшилиб кетганини билмай қолган эканлар. Бу

БАРҲАЁТ НАВОЛАР

ҳақда андижонлик устоз санъаткор Мўминжон Абдуллаев кўплаб хотиралар ёзиб кетди.

Бугун Андижон замини барча жабҳаларда олдинга чиқиб, ибрат бўлаётганда, санъат ва адабиётга ўз қадди-бастини намоён этаяпти. Мактабларда, тантаналарда фарзандларимиз белларига белбоғ боғлаб, "Андижон полькаси"га ўйнайлик, десак, қизларимизни дўппилар, атлас кўйлақларда уларга жўр бўлишга ўргатсак, кимнинг ҳаваси келмайди, дейсиз.

Бу ажойиб куйнинг сеҳрини юракдан ҳис қилган киши, ундан ҳақиқий ўзбекона шижоат, мардлик ва матонатнинг нафаси келиб турганини, албатта, ҳис этади. Ҳар кимки ўз юртини севар экан, ўз қўшиғи, куйини ҳам севади.

Муҳаббат ОТАМИРЗАЕВА.

Тинч-осойишта юрда умргузаронлик қилиб, фарзандлар камолини кўриш инсон учун чинакам бахт. Шукри, бугун биз ана шундай хотиржамлик ҳукмрон, пок ниятларимиз рўёбга чиқаётган диёрда яшаймиз.

Бинобарин, истиқлол мамлакатимизда эътиқод эркинлигини таъминлаш, миллий ва диний қадриятларни тиклаш ҳамда ривожлантириш, буюк аجدодларимизнинг бой илмий ва маданий меросини ўрганиш, муқаддас қадамжоларни таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш борасида кенг кўламли ишларни амалга ошириш имкониятини берди.

Халқимизнинг минг йиллар давомида шаклланган инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик ҳамда мурувват сингари фазилатлари Муборак айёмда ташкил этиладиган турли маросимларда янада кенг қулоч ёзади.

Муборак Рамазон ойининг маънавий-руҳий ҳаёти-миздаги ўрни бекиёс. Хусусан, жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизга мансуб олижаноб фазилатларни шууримиз, қалбимизга сингдириб, сайқал беришимизда унинг ҳар бир кундан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Зеро Рамазон эзгу амаллар оидидир.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ушбу муборак ойнинг ташрифи ҳақида марҳамат қилиб: "Бу ойда жаннат эшиклари очилади, жаҳаннамнинг эшиклари эса беркитилади, шайтонлар кишанланади", деганлар (Имом Аҳмад ривояти).

"Ҳадиси қудсий"да Аллоҳ таоло: "Одам боласининг барча амаллари ўзи учун, аммо рўза Мен учун. Унинг мукофотини Ўзим бераман", деб марҳамат қилади (Имом Бухорий ривояти).

Аллоҳ таоло бундай амр қилади: "Эй, имон келтирганлар! Сизлардан олдинги (уммат)ларга фарз қилингани каби сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди, шояд (у сабабли) тақволи бўлсангиз. Саноқли кунларда. Бас, сизлардан кимки бемор ёки сафарда бўлса, саноғи бошқа кунлардан дир. Мадори етмайдиганлар зиммасида бир мискин кимсанинг (бир кунлик) таоми фидядир. Кимки ихтиёрий равишда зиёда хайр қилса (лозим бўлганидан ортиқ фидя берса), ўзига яхши. Агар билсангиз, рўза тутишингиз (фидя бериб тутмаганингиздан) яхшироқдир" (Бақара, 183, 184).

Ояти қаримадан англашиладики, рўза қадимги динларда ҳам бор бўлган ибодатдир. Фақат бошқа динларда рўзанинг тартиби, кун ва қоидаси турлича бўлган. У фақат Ислом динидагина илоҳий маънони касб этади.

Дастлаб рўзани истаган одам тутар ёки бунинг ўрнига бир мискиннинг қорнини тўйдириши мумкин эди. Бироқ кейинчалик бу ҳукм ўзгарди, ким бу ойда ҳозир бўлса, албатта, рўза тутиши шарт эканлиги амр қилинди: "Рамазон ойи — одамлар учун ҳидоят (манбаи) ва тўғри йўл ҳамда ажрим этувчи ҳужжатлардан иборат Куръон нозил қилинган ойдир. Бас, сизлардан ким бу ойда (ўз яшаш жойида) ҳозир бўлса, рўзасини тутсин. Кимки бемор ёки сафарда бўлса, (тута олмаган кунларининг)

ганлар зиммасида бир мискин кимсанинг (бир кунлик) таоми фидядир..." ояти кекса чол ва кампирга тегишлидир. Икковлари рўзани қийналиб тутурлар. Улар оғизларини очиб, ҳар бир кун ўрнига бир мискинга таом берурлар. Ҳомиладор ва эмизикли аёллар қачонки кўрксалар, оғизларини очурлар ва таом берурлар" (Имом Бухорий ва Имом Абу Довуд ривояти). Бу ўринда ҳомиладор ва эмизикли аёллар тузаладиган бемор сифатида кўрилади. Яъни ҳомиладорлик ёки эмизиш бартараф бўлгач, бу заифлик аёл кишидан соқит бўлади. Ана шунда аёл тутмаган рўзасининг "...саноғи бошқа кунлардан" ўтайди. Касал одам агар рўза сабабли заиф-



ШУКРОВА

саноғи бошқа кунлардан дир. Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, оғирликни хоҳламайди. Бу ҳисобни тўлдиришингиз ҳамда ҳидоятга бошлагани учун Аллоҳга такбир (ҳамду сано) айтишингиз ва шукур қилишингиз учун дир" (Бақара, 185).

Рамазон ойида ҳар бир мўмин-мусулмон рўза тутиши лозим. Фақатгина касал инсон, сафардаги киши, ҳомиладор ёки эмизикли аёл рўза тутмаслиги мумкин. Узрли ҳолатни тарк этгач, қазосини ўтайди. Узрли ҳолатлар борасида тафсир китобларда, суннати набавияда алоҳида тўхталиб ўтилган.

Агар беморнинг тузалишдан умиди бўлса, рўза ойида тутмайди, тузалгач, қазосини тутиб беради. Бироқ ёши улғайган кишилар эса фидя берадилар. Ибн Аббос (розияллоҳу анху) ривоят қилади: "...Мадори етмайди-

лашса, беморлиги зиёда бўлса, рўзасини тутмайди. Тузалгач, адо этади.

Рамазони шарифда рўза тутмасликка вақтинча изн берилган яна бир тоифа — бу ойда сафарга чиққанлардир. Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анху) дан ривоят қилинади: "Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам) (сафарда) рўза ҳам тутганлар, оғзилари очик ҳам бўлган. Бас, сафарда ким хоҳласа, рўза тутсин, ким хоҳласа, оғзи очик юрсин" (Имом Бухорий, Имом Муслим ва Имом Насойй ривояти).

Аввал бошда Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг умматларига фарз қилинган рўза ҳозиргисидан фарқли бўлган. Ифтор вақти куёш ботганидан хуфтонгача эди. Рўздор хуфтон намози-гача ифторлик қилиб олмаса, эртасига ифтор вақти киргунича яна рўздор ҳолида қолиб кетар эди.

Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи васаллам) мўминларни саҳарлик қилиб рўза тутишга чорлаганлар. Анас ибн Молик (розияллоҳу анху) ривоят қилади: "Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Саҳарлик қилинганлар. Албатта, саҳарликда барака бордир", дедилар" (Имом Муслим, Имом Термизий, Имом Абу Довуд ривояти).

Шунингдек, ифтор қилиш, уни тезлатиш лозимлиги суннати набавийда кўп бор такрорланган. Саҳл ибн Саъд (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: "Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам): "Модомики ифторни тез қилар эканлар, кишилар хайрда бўлурлар, деди" (Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Муслим, Имом Аҳмад ва Имом Насойй ривояти).

Ҳадиси Қудсий: "Аллоҳ азза ва жалла: "Мен учун бандаларимнинг энг маҳбуби ифторни тезроқ қиладиганидир",

деди" (Имом Термизий ва Имом Аҳмад ривояти).

Албатта, Рамазон хайру эҳсон ойи. Эзгуликка ташна халқимиз бу ойда янада саховатли бўлишади. Мамлакатимиздаги жомеъ масжидлар имом-хатиблари ҳомийлар кўмагида Рамазонда бир қанча савобли ишларни амалга оширадилар. Ўзбекистон мусулмонлари идораси, ҳудудий вакиллик ходимлари кам таъминланган оилаларга, кекса, ногирон, боқувчисини йўқотган, ёлғиз қарияларга ҳомийлар кўмагида ҳар йилгидек Рамазон ҳайити арафасида беминнат ёрдамларини кўрсатади.

Муборак Рамазон ойи барча юртдошларимизга хайрли, баракотли келсин. Юртимиз янада тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

**Нуриддин
ХОЛИҚНАЗАРОВ,
Тошкент шаҳар
бош имом-хатиби.**

ҲАДИСЛАР

кўрса, дўзахдан ўзига жой тайёрлайверсин.

Умматимда пайдо бўлишдан кўрққан нарсаларимнинг ёмонроғи: 1. Қориннинг катталиги. 2. Кўп ухлаш. 3. Данга-

салик. 4. Имони заифлик.

Биродарингиз — ходимларингиздир. Аллоҳ таоло уларни сизларнинг қўл остингизда қилиб қўйди. Кимнинг биродари қўл остида бўлса, егани-

дан едирсин, кийганидан кийдирсин, тоқатидан ташқари ишга буюрмасин. Агар буюрса, ёнига тушиб ўзи ёрдамлашсин.

Агар бирор ёмонлик қилсанг, кетиданоқ яхшилик қил.



МУАССИС:

"HAMKOR PRESS" MCHJ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Фарғона вилояти бошқармасида 2018 йил 08 июнда 12-041 рақам билан қайта рўйхатга олинган Индекс: 460 e-mail: hamkor.press@mail.ru

Газета "Hamkor Press" таҳририяти компьютерида терилди ва саҳифаланди. Нашр учун масъул: Н.ТУХТАМАТОВА Саҳифаловчи: А. КАБИРОВ Манзилимиз: Андижон шаҳри, 105100, Бобур шоҳқўчаси 53-уй. Тел: 78 298-01-07

"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00
Топширилди - 20.00
Қоғоз бичими - А3
Буюртма: Г-449 Адади: 6075
1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма тобоқ.

ISSN 2181-9734



Сотувда келишилган нархда.